

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро вилоят ҳокими ўринбосари:

  
Н.Н.Хамдамов

«    » \* 2022 йил.



“КЕЛИШИЛДИ”

Бухоро вилояти қурилиш  
бош бошқармаси бошлиғи:

  
2022 йил.



“КЕЛИШИЛДИ”

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг  
компанияси директори:

  
Ф. Жаллиев


2022 йил.



“КЕЛИШИЛДИ”

Пешку туман ҳокимининг қурилиш  
ишлар бўйича ўринбосари:

  
2022 йил.



Пешку туман Бобохожи МФЙ Бобохожи қишлоғи ички автомобиль йўллари  
мукамал таъмирлаш объектнинг ишчи лойиҳасини ишлаб чиқишга

ТО П Ш И Р И Қ

(2-нусхада)

Бухоро - 2022 йил


1	Объектининг номи	Пешку туман Бобохожи МФЙ Бобохожи кишлоғи ички автомобиль йўллари мукамал таъмирлаш.
2	Буюртмачи	Бухоро вилояти ҳокимлиги хузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси
3	Лойихалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисидаги № ПК-249 сонли қарори.
4	Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет маблағлари
5	Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022 йил Қурилишнинг хисобий муддати Қурилишни ташкил етиш (ҚТЭ) лойихасида хисобланади.
6	Объект жойлашган ҳудуд	Бухоро вилояти Пешку туман.
7	Объектнинг лойихавий қуввати	___ км (аниқ узунлиги топогеодезия ишлари даврида аниқланади ҳамда лойиха ишлари давомида объект бошланиш ва тугани нуқталари чоррахага, тутапмаларга яқинлашса буюртмачи билан келишилган ҳолда давом эттирилиб, яхлитлик таъминлансин).
8	Бош лойихачи ташкилот	Танлов (тендер) асосида аниқланади.
9	Бош пудратчи ташкилот	Тендер асосида аниқланади.
10	Қурилиш тури	Мукамал таъмирлаш.
11	Қоплама тури	Цементобетон (ГОСТ 26633) "Цементобетон қоринчалар ва тўлдирувчилар. Техник шарт асосида амалга оширилсин.
12	Йўл тўшамаси конструкцияси	<p>Ушбу ҳудуддаги материалларнинг хусусиятидан ва жойнинг гидрогеологик, геологик ва диагностика хулосасидан келиб чиқиб, ШНК 2.05.02-07 ва МКН44-2008, МКН46-2008 меъерий ҳужжатларни талаблари асосида йўл тўшамаси конструкцияси хисоб-китоб қилинсин. Автомобиль йўлларда йўл тўшамасини лойихалашда ўша ердаги карьерларнинг захира ресурсларини ва улардан чиқадиган материаллар хусусиятларини ўрганган ҳолда алоҳида хисоб-китобини амалга оширилсин. Автомобиль йўллари тўшамасини</p> <p><b>Ташқи йўллар учун</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ШҚАдан асос қатламини қуриш (15+10 см) (мавжуд асос қатлами бўлса лойихада инобатга олинади)</li> <li>- Изоляция қатлами ППА</li> <li>- армасетка сим тўр 200/200, Вр 4мм</li> <li>- В 22.5 (М-300) маркали монолит оғир бетондан Н-16 см</li> </ul> <p><b>Ички йўллар учун</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ШҚАдан асос икки қатламини қуриш (15+10 см) (мавжуд асос қатлами лойихада инобатга олинади)</li> <li>- Изоляция қатлами ППА</li> <li>- армасетка сим тўр 200/200, Вр 4мм</li> <li>- В 22.5 (М-300) маркали монолит оғир бетондан Н-14 см</li> </ul>
13	Объект қурилиш монтаж ишларининг тахминий қиймати	Тахминий қиймати аналог объектдан олинган, лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосаси олингандан сўнг якуний қийматига аниқлик киритилади.
14	Лойихани ишлаб чиқиш муддати	Ишчи лойихани ишлаб чиқиш муддати лойиха-қидирув ишларини бажариш шартномасида кўрсатилади. (ИКН67-2011 ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли "Лойиха-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан аниқланади) Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддатлари амалдаги меъерий қоидаларга мувофиқ белгиланади.

15	Лойихалаш навбатлари ва босқичлар	Ишчи лойихада қуйидаги босқичларда амалга оширилади: -Топогеодезия ишлари -Геология ишлари -Диагностика ишлари (мавжуд асос ва қоплама қатлами бор бўлган йўлларда) -Чизмалар ва материалларнинг келишиш ишлари -Лойиха ишлари -Смета хужжатларини тайёрлаш -Экспертиза кўригидан ўтказиш -Буюртмачига топшириш ишлар
16	Мухандислик кидирув ишларининг зарурлиги	Топогеодезия ишлари ШНК 1.02.07-19 , ШНК 1.02.08-19, Геология ишлари ШНК 1.02.09-15 ва Диагностика ИКН05-11 “Автомобиль йўллари ҳолатини ташхис қилиш ва баҳолаш” меъёрий хужжат талаблари асосида амалга оширилсин. Лойиха-қидирув ишлари жараёнида ернинг геологик ва гидрогеологик ҳолати ўрганилсин , тўлиқ ҳажмда ва меъёрий хужжатларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Реконструкция ва тўла таъмирлаш лойихаларда йўл, кўприклар ва йўлда жойлашган бошқа сунъий иншоотлар диагностикаси замонавий ўлчов асбоблари воситасида тўлиқ ҳажмда амалга оширилсин.
17	Мухандислик коммуникацияларга талаблар.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 131-сонли қарорида: 4-банд. Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Ўзтрансгаз” АЖ “Худудгазтаъминот” АЖ “Ўзсувтаъминот” АЖ Ахбарот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш майдонидаги электр энергия, табиий газ, ичимлик сув, оқова сув ва алоқа тармоқларини ўз маблағлари ҳисобидан кўчириш чораларини кўриш (қурилиш минтақасидаги дарахтлар ва мухандислик комуникацияларни кўчириш ишлари маҳаллий ҳокимият ҳисобидан бажарилади).
18	Объектни ресурслар билан таъминлаш	Маҳаллий қурилиш материалларидан максимал даражада фойдаланилсин. Техник-иқтисодий жихатидан самарали бўлган импорт материалларни қўллаш кўзда тутилсин. Объект учун зарурий хом-ашё ва материаллар ҳажми ҳисоблаб чиқилиб, объектга материалларни ташиб келтириш учун ўша жойдаги қарерларни чуқур ўрганиб улардан материалларни етарли захираси борлиги ва сертификатларни мавжудлигини текшириб кейин лойихада инобатга олинсин. Асфальтобетон, цементобетон, темирбетон ва маҳсулотларини ишлаб чиқувчи корхоналар ҳамда қум-шағал ва тупроқ қарьерларининг қувватлари улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси лойиха ишларига тадбиқ қилишдан олдин тўлиқ ўрганиб чиқилиши лозим.
19	Қурилиш майдончасининг (трасса) шарт-шароитлари	Текислик, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари ичидаги автомобил йўллари.
20	Асосий кўрсаткичлар, техник талаблар ва конструктив ечимлар	Аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида ШНК 2.07.01-03* “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” талабларига мувофиқ лойихалансин.
21	Лойиха-смета хужжатларини келишиш бўйича талаблар	Лойихавий ечимлар, шаҳар ва туман ҳокимлиги, қурилиш бошқармалари, йўллардан фойдаланувчи ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар келишишдан ташқари лойихани ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ҳокимлар иштирокида лойихавий ечимларни комплекс равишда кўриб чиқиб, буюртмачи томонидан тасдиқланади.

22	Архитектура ва режалаштириш ечимига куйнладиган асосий талаблар	Объектни лойihalаш мавжуд ландшафтни, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва яхшилаш, йул харакати хавфсизлигини яхшилаш, хайдовчилар ва йуловчиларнинг чарчокларини камайтириш, кимматбахо кишлок хўжалиги ерларини сақлаш, йулнинг атроф-мухитга зарарли таъсирини минималлаштиришни хисобга олган холда амалга оширилиши керак. Шунингдек, йулнинг ахоли пунктларидан ўтган қисмларида транспортлар харакатини тўғри ташкил этишга эришиш зарур.
23	Смета хужжатларини ишлаб чиқишга талаблар	Смета хужжатларида қурилишнинг бошлангич нархи Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261 - сонли қарорига ҳамда буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган бирламчи маълумотларга мувофиқ жорий нархларда хисоблаб чиқилиши лозим.
24	Йўлни йул белгилари, тусиқлар ва ётик чизиқли белги (разметка) билан жиҳозлаш	ГОСТ 23457-86, МҚН23-2008 ва О'zDSt 3283:2017 га мувофиқ лойihalансин. Замоनावий йул белгилари, йул тўсиқлари, ҳамда нур қайтарувчи ётик чизиқлардан фойдаланиш кўзда тутилсин.
25	Сунъий иншоотлар	Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 "Куприклар ва қувурлар" талабларига мос равишда ва техник курик хулосаси асосида. Куприкларни жойидан келиб чиқиб, йигма ва қуйма (монолит) усулда қуриш ҳамда замоनावий материаллардан фойдаланиш кўзда тутилсин.
26	Қурилиш алохида шартлари	Худуднинг сейсмиклиги КМК 2.01.03-96 га биноан қабул қилинсин
27	Қурилишни ташкил этиш лойихаси	ШНК 3.06.03-08 га асосан тўлиқ ҳамда ишлаб чиқилсин. Қурилишни ташкил этиш ва ичида календар график билан (ПОС) қурилиш-монтаж ишлари бажариш муддати, ишлатиладиган машина- механизмлар сони, ишлаш вақти аниқ курсатилсин.
28	Ахоли ногиронлиги бўлган ва кам харакатланувчи гуруҳлар хаёти фаолияти шароитларини таъминлаш бўйича талаблар	Лойиха Ўзбекистан Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги "Ногиронлиги булган шахсларнинг ҳуқуқлари тугрисида"ги 641-сонли қонуни ва ШНК 2.07.02-07 талабларига мос равишда амалга оширилсин.
29	Қурилишда муаллифлик назорати	Лойиха ташкилоти томонидан муаллифлик назоратини олиб боровчи мутахассислар бириктирилсин ва қурилиш-монтаж ишлари даврида муаллифлик назорати ишлари лойихачи томонидан график асосида тўлиқ амалга оширилсин
30	Топшириш-қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиха ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Экспертизанинг ижобий хулосаси олинганидан сунг ишчи лойиха 3 нусхада, электрон вариантда (2 нусхада ташкилот логотипи ва объект номи ҳамда иш тўғри туширилган дискда) ва амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим.

Буюртмачи:

ЯБХИК вакили

 Б.Хайитов.